

ТЎЛҚИН

---



ИШҚ  
БУЛОҒИ

*Шеърлар*



«ТАФАККУР» НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 817.544.133-7 (UZB)6

76.276.3

**С-44**

**Тўлқин, (Тўлқин Итолмасов).**

Ишқ булоғи: шеърлар / Тўлқин (Т. Итолмасов); – Тошкент:  
«ТАФАККУР», 2014. – 40 б.

*Ушбу китобимни чоп этишда амалий ёрдам берган “Камолот”  
Ёшлар ижтимоий ҳаракати Муборак туман Кенгашига ўзимнинг чин  
юракдан миннатдорчилигим ва самимий ташаккуримни изҳор этаман.*

МУАЛЛИФ

*Ижод – кўнгил акси, туйғулар ранги ва ҳислар мавжси. Ижодкор  
кечинмалари ўйлаб, изланиб топилмайди. У қутилмаганда кўнгилни  
жунбушга келтиради. Қалбингизни тўлқинлантиради, нурлантиради.  
Қўлингиздаги мўъжазгина китоб ҳам бир кўнгилнинг кечинмаларидир. Қа-  
ламкаш нимани ҳис этган бўлса шуни, шу ҳолича қозоғга инкишоф этган.  
Ўйламизки, бу гоийбона ижодий учрашув сизга ҳам манзур бўлади.*

КБК: 76.276.3

ISBN 978-9943-24-140-4

© Тўлқин (Т. Итолмасов),  
© «ТАФАККУР» нашриёти, 2014 й.

## **ИШҚ БУЛОҒИ**

Шеърятни Одам Ато ва Момо Ҳаво руҳиятидан пайдо бўлган дейишади, комил инсонлар. Агар кўнгил кўзи билан қаралса, жилоланиб турган ҳаётбахш сувда, учар шамолда ва бўлик, тафтли тупроқда бу муқаддас руҳиятни қалбан кўрамиз ва ҳис қиламиз. У юрагимизда, қалбимиз тўлқинларида, онгу-шууримизда биз билан бирга яшайди, шод кунларимизда ҳам, ғамбода лаҳзаларда ҳам. Токи, мунаввар ҳаёт, эзгулик, меҳр-муҳаббат, имон-эътикод бор экан, шеър ва шуур биз билан бирга қалбимизда, юракларимизнинг тилсимларида яшайверади.

Шеърят бизга қалб уйғоқлигини бахш этади. Эзгуликни энг мунаввар эътикод даражасига кўтариш ва “ўзлик” ни топиш бахти билан қалбларимизни мунаввар этади.

Бунга интилишни Тулкин шеърларида ҳам кўрдим. Бу унга ҳамиша жўшқин илҳом бахш этиб туради. Улуғларнинг айтишича, шеър юракни ҳаяжон ва жунбушга солувчи, қуйлатувчи, йиғлатувчи инсон туйғуларидир. Шоир истеъдоди эса, уларни аслан сақлаб бошқа юракларга шундайлигича етказа билиш билан ўлчанади. Унинг шеърларида ўша мақом ва ўша табарруқ ният поклигини, ўша қутлуғ ва мунаввар маснад сари интилаётган бир шоир қалбининг қувончу, изтиробларини кўрамиз.

Ҳар бир шоир руҳиятининг туганмас илҳом манбаи бўлган Ватан, юрт, миллат, муҳаббат ва вафо мавзулари ҳам ёш шоирнинг қалб навозишларидир. Шоир ижодининг яна бир хусусияти юртга дахлдорлик туйғуларини ўзи яшаётган мўъжазгина кишлоғи табиати манзаралари ва у ерда яшаётган одамларнинг ҳис-туйғулари билан ҳамоҳанглигидир.

Шоир ўзининг илк китобини «Ишқ булоғи» деб атабди. Ундаги кўпгина шеърлар хавас билан эмас, қалб идроки, дил амри билан битилган. “Ишқ булоғи” ташна дилларга ўзининг тиниқ ёғдулари билан эзгулик улашиб ва бу эзгуликлар китобхонлар юрагидаги дил чанқоғини кондирса, ажаб эмас.

*Турди Али МУҲАММАД,  
шоир*

## ҚИШЛОҒИМ

*Олисларда қолган қишлоғим,  
Сени ҳар дам соғинган оним.  
Тушларимда кўраман сени,  
Ялангаёқ кезган чоғларим.*

*Кечиб юргум сувдай тўзғитиб,  
Илон изи яйдоқ йўлларинг.  
Барханларинг оралаб ҳар шом,  
Тўпичоқдай чопган дамларим.*

*Шамоллардай ялангтўш, яйдоқ,  
Самоларни бўйлашар эдим,  
Ёғоч отим – “Бойчибор” ҳамроҳ,  
Булут билан қувлашар эдим.*

*Анҳор бўйи. Ҳушбўй ялпизлар,  
Димоғимни қитиқлаган он.  
Сўқмоқларга чатилган излар,  
Бошлар мени кенгликлар томон.*

*Қўшни қиздай қиқирлаб кулар,  
Тоздан тушиб келган ирмоқлар.  
Босар эди юрак тафтини,  
Кафтида сув тутган булоқлар.*

*Ўн беш кунлик ойдин кечада,  
Қўшни ҳовли томон мўралаб.  
Ақиллаган Олапарини,  
Сўкар эдим роса бўралаб.*

*Ўн беш кунлик ой беланчаги,  
Узра ширин уҳлар қўшни қиз.  
Ва илк севгим унинг жамалак,  
Сочларига бойланган ёлғиз.*

*Олисларда қолган қишлоғим,  
Сени ҳар дам соғинган оним.  
Тушларимда кўраман сени,  
Ялангаёқ кезган чоғларим.*

### **СУЛУВГА**

*Юракда ишқ тугёни,  
Дуқир-дуқур ургани.  
Садқа этай жонимни,  
Жоним, сени севгани.*

*Воҳ, белингдан ушлайман,  
Лабларингдан тишлайман.  
Фақат мени десанг ёр,  
Вафодоринг бўлай ман.*

*Наҳотки, сен бахт қушим,  
Ўнгимиш бу, ё тушим.  
Рост бўлса сулув бергин,  
Лабингдан бол кишимшинг.*

\* \* \*

*Ватан бошимдаги тоғимсан, менинг,  
Мусаффо осмоним, тоғимсан менинг.  
Кўксимда гурурим, номусим, орим  
Йигирма уч баҳорли боғимсан менинг.*

## МУҲАББАТ

*Армон бўлган муҳаббат,  
Арзон бўлган муҳаббат  
Орзуларга берилиб  
Сарсон бўлган муҳаббат*

*У Яратган неъмاتي,  
Шундан улуг қиммати.  
У садоқда ёй,ўқдир,  
Отилса даво йўқдир.*

*Муҳаббатни яратган,  
Фақат ягона оллоҳ  
Қадрига етаркан ким,  
Севгиси дилда чироқ.*

*Армон бўлмас муҳаббат,  
Арзон бўлмас муҳаббат.  
Ёлгонларга қул бўлиб,  
Сарсон бўлмас муҳаббат.*

## ОҚ АТИРГУЛИМ

*Атиргулим, оқ, атиргулим,  
Кел кўксимни ёқ, атиргулим.  
Гулзор ичра ягона гулим,  
Мен ҳам ишқда тоқ, атиргулим.*

*Оқ фариштам, лабинг қирмизи,  
Бахтимизнинг борми, манзили,  
Сўзларим рост, йўқдир ҳазили,  
Кўксим тўла доғ, атиргулим.*

*Қалбим бўзлар, кўзларим эмас,  
Сим-сим оғрир юрагим, бесас,  
Кел бағрингга олгин, сўнгра, бас,  
Бўлсин сочинг дор, атиргулим.*

*Фариштасан, мусаффо, тоза,  
Олса сендан поклик андоза.  
Кўнглингдай оқ ҳар бир юракка,  
Садоқатинг ёр, атиргулим.*

## **МУСОФИР**

*Мусофирнинг жулдур чопони,  
Ватан сари бошлаб боради  
Юрт соғинчи юракларини,  
Тезроқ юр, деб муштлаб боради.*

*Қўлларида май эмас, қалам,  
Қишлогини сени соғиниб кетган.  
Мусофирлик сўк ошин ичиб,  
Ватан сени кадрингга етган.*

*-“Онанг толдек букчайиб толди,”  
Ота ундан қилганда гина.  
Ўшал дамда айтган сўзлари,  
Юрагига суқилган игна.*

*Ватан сенинг қадринга етди,  
Она қадрин ҳис қилган кундан.  
Ватан сенинг остонанг жаннат,  
Она сенинг сийратинг гулдан.*



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1898> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1898> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1898>